

RELIABILITY AND COST-EFFECTIVENESS OF POLYMER PIPES



**Alibekova Nazira Nazarovna,
Jizzakh Polytechnic Institute**

Annotation:

In water supply networks, we can select different types of pipes depending on the type and function of the network. These selected pipes should be selected taking into account the water permeability, strength and other characteristics, and in this regard, a number of requirements are placed on the pipes. The article describes in detail the methods of connecting pipes made of different materials.

Keywords:

Welding, polyethylene, pipe, coupling, fitting, polyvinyl chloride, adhesive welding, sewage, thermoplastic.

Ўзбекистон мустақиллик даврида жадал ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ривожланиш жараёнини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фармонларидан бири давлатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилганлиги ҳам шу ижтимоий муаммонинг ечимига бағишиланганлигидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши натижасида шахар ва қишлоқларда кўплаб янги замонавий уй жойлар барпо қилинмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак бўлади. Мамлакатимизда аҳоли турар жой биноларида ичимлик суви сифатини яхшиловчи қурилмалар ишини бошқариш ва сув таъминоти, қувурлар миқдори ва уларнинг ўтказиш қобилиятининг йилдан йилга ортиб бориши соҳа мутахассислари олдига мураккаб масалаларни ҳал қилиш эҳтиёжини қўяди.

Ҳозирги вақтда биноларнинг унчалик катта бўлмаган ва сув таъминоти системалари шахобчаларига бўлинган қувурлар тармоғи, қозон, насос ускуналари ва жиҳозларни ўз ичига олувчи мураккаб техника комплексига айланган. Техника жиҳатдан мураккаб бўлган бундай системалардан фойдаланиш ва уларни тузатиш ички санитария техникаси системаларининг монтажчиларидан яхши техник ҳамда назарий тайёргарликни талаб этади. Улар системалар ва айрим элементларнинг ишлаш принципини, системаларининг ёмон ишлашига, исрофгарчилик ҳамда аварияга олиб келиши мумкин бўлган сабабларни билишлари зарур; бузуқликларни тез топиш ва уларни бартараф этишни, аварияларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатишни билишлари даркор.

Қурилаёган сув тармоқлари ва сув узатиш қувурлари мураккаб ечимлар билан фарқланиши катта ҳажмдаги қурилиш ва йиғиш ишларини талаб қилишини эътиборга олсак қуриш ва йиғиш ишларини бундан буён индустрялаштириш лозим. Бу ўз ўрнида корхоналарда тайёрланаётган йиғма конструкциялардан фойдаланишни тақоза этади. Бу талабларга маълум миқдорда индустрисал усулда тайёрланадиган қувурлар жавоб беради. Уларни бир-бирига улаш енгил ва ишончлидир. Сувларни узатиш ва тақсимлаш тизимининг нархи кўп ҳолларда қувурлар ва уларни етказиб беришга сарфланадиган қийматлар орқали аниқланади. Шу боис қувур материалларини танлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Пластмасса құвурларни ётқизиш ва металл құвурларни резина шланглар орқали зичлаш монтажчи учун доимий иш ҳолатларидир. Уч қаватли ичимлик суви құвурларида эса пресслаб улаш қўлланилади. Пластмассалардан ясалған құвурларни халқ хўжалигида ишлатиш, нафақат иқтисод тарафдан қулай, балки механик хусусиятларига хам боғлиқ. Пластмассалардан ишланган құвурлар етарли дәражада мустахкамликка, эластиックка, ранглашга қарши юқори чидамлика, вазни енгил, құвур ички девори силликлиги билан ажralиб туради. Ҳар бир әрувчи материални пайвандлаш мүмкін. Шунингдек, фақат бир хил зичликдаги ва бир хил кимёвий таркибдаги материалларнингина пайвандласа бўлади. Масалан, юқори зичликдаги полиэтилен (ПЕ-ХД) билан қуйи зичликдаги полиэтилен (ПЕ-ЛД) ни пайвандлаб бўлмайди. Поливинхлоридлар ҳам шунга ўхшаш. Виниплац құвурларини иссиқ хаво оқими ёрдамида пайвандланади бу хаво оқими ёрдамида пайвандланади, бу хаво газ ёки электр ёндиригичлари билан 200-220°C да иситилади. Хаво иссиқлигига құвурнинг қирралари юмшайди ва механик сиқиши ёрдамида уланади. Полиэтилен құвурлар қуйидагича пайвандланади, муфта ва құвур юзаси полиэтилен ёриш хароратигача қиздирилади кейин тез муфта құвурға кийгизилади ва муфта құвур билан қисилади. Уланувчи деталлар, металли қиздириш колларча ёрдамида иситилади (1-расм).




1-расм. ПЕ құвурларни иссиқ элементли пайвандлаш ускунаси

Юқори босимли құвурларни иссиқ элементли – пайвандлашда фақатгина маҳсус ускуна орқали пайвандланади (2-расм). Полиэтилен құвурлар учун иситиш элементини 190 °C полипропилен учун эса 210 °C ҳароратга қўйилади. Зарур бўлган улаш босими, иситиш вақти ва совутиш вақти, құвур қалинлигига қараб автоматик тарзда танланади (3-расм). Муфтали пайвандлашда эса құвур ва фитинг қаршиликли ўтказгич ёрдамида 24 вольт кучланишда иситилади ва пайвандланади.




2-расм. Юқори босимли құвурларни пайвандлаш



3-расм. Д 50 диаметрдаги ПЕ-құвурни босим-вақт-диаграммаси

Бошқарув қурилмаси пайвандлаш муфтаси билан пластмассаларни елимлаб улаш ичимлик сувига ишлатиладиган поливинхлорид (ПВС) құвурларни улаш учун монтажчига маҳсус асбоблар ва маҳсус елим керак бўлади. Елимланадиган пластмассалар маҳсус эритмада әрувчан бўлиши керак. Буларга: ПВС, ГФК, АБС ва эпохидлар киради.(4-расм)




4-расм. Фитингни жойлашиш тарафини аниқлаш

Қувур ва фитингни тозалаш учун фитингни устки ва ички қисмини латта билан артиб ҳар хил майда бўлакчалардан тозаланади, тозаланган қисмни қўл билан ушламаслик керак, сўнгра ПВС ни тозаловчи суюқлик сингдирилган маҳсус қофоз билан ПВС юзаси матт ва силлиқ бўлгунга қадар ишланади. Шундагина қувур ва фитинг бир - бирига елимланади. Елимни фойдаланишга тайёр ҳолатда етказиб берилади. Тозаловчи қофоз ҳам елим билан бирга етказилади. Елимни фойдаланишдан олдин яхшилаб аралаштириш керак бўлади. Елимни фойдаланишга яроқлилигини билиш учун, уни бирор чўпдан оқизиб билиш мумкин. Агар елим бир хил оқиб ўзидан байроқча каби из қолдирса у яроқли сифатли бўлади (5-расм).

Елимни суртиш мўйқалам танлаш қувурнинг катталигига боғлиқ бўлади (1-жадвал). Елим олдин елимланаётган бўлакка кейин эса қувурга суртилади (6-расм). Қофоз, елим ва мўйқалам ҳаво ҳароратида бўлиши керак. Елимланаётган жойни қуёш нуридан асраш керак.



5-расм. Елимнинг суюқлик даражасини аниқлаш




6-расм Елимни қувурга суриш вақтида мўйқаламни доимо ўқ бўйича харакатлантирилади

(1-

жадвал)

Қувур кўндаланг кесими	Мўйқалам катталиги
6 mm dan 10 mm gacha	Dumaloq 4 mm
12 mm dan 32 mm gacha	Dumaloq 8 mm
40 mm dan 63 mm gacha	Yapaloq 25x3 mm
75 mm dan 225 mm gacha	Yapaloq 50x5 mm

Елимлаш учун 25 °C ҳароратда 4 дақиқа вақт етарли. Шу вақт ичидаги улаш амалга оширилиши зарур. Ҳарорат кўтарилиши билан вақт ҳам озайиб боради. Қувур ва фитинг елим суртилиши билан тез уланиши керак. Чунки айлантириш пайтида елим-қувур орасига ҳаво кириб қолиши мумкин. Бу эса яхши елимланганига кафолат бермайди. Шунинг учун уни айлантирмай бир оз қаттиқ ушлаб туриш зарур. Қувур билан фитинг орасидан чиққан елим қолдигини тезда тозалаб ташлаш керак. Елим қотишидан синов босимига қадар бўлган вақт, ҳароратга ва қувур-фитинг қанчалик мос тушганлигига боғлиқ (7-расм).



7-расм. Текширишгача бўлган вақт

Тозаловчи материал ва елим осон учувчан моддалар сирасига киради. Ундаги буғланиш инсон организмига заарли. Бундан ташқари ёниш ва портлаш эҳтимоли бор. Шунинг учун иш пайтида чекмаслик ва елим буғидан нафас олмасликка харкат қилиш керак. Доим иш жойини яхшилаб шамоллатишиш керак. Янги қурилган уй қувурларини сув тизимига улашни сув етказиб берувчи корҳона ёки шу корҳона буюртма берган монтажчи фирма бажаради. Агар маҳсус уланиш жойи бўлмаса у ҳолда тешиб улаш ускунаси бу ишни амалга оширади.

Хозирги пайтда сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муаммоси биринчи ўриндаги масала бўлиб қолмоқда. Бу биринчи навбатда аҳолининг ўсиши ва саноатининг ривожланиши, тоза чучук сувларининг камайиб кетиши билан боғлиқ. Полимер қувурлардан фойдаланиш бошқа қувурларга нисбатан хам иқтисодий жиҳатдан хам самарадорлиги билан ажралиб туради.

Юқорида қайд этилганлар, сув ресурсларига тизимли қарашга мисол хисобланади, яъни сувдан қатъий тартибда миқдор хам сифат жиҳатидан чиқиндисиз янги технологиялардан фойдаланиш лозим. Сувни кўп истеъмол қиладиган ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари сув истеъмолини ёпиқ тизимда ташкил қилинса катта миқдордаги ичимлик суви тежалади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Алибекова, Н.Н. (2020). Сувдан фойдаланиш жараёнларида ахборот тизимларини кўллаш. *Science and Education*, 1(3).
2. Sultonov, A. (2019). Water use planning: a functional diagram of a decisionmaking system and its mathematical model. *International Finance and Accounting*, 2019(5),
3. Sultonov, A. O. (2020). Problems of optimal use of water resources for crop irrigation. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 26-33.
4. Такабоев, К.У., Мусаев, Ш.М., & Хожиматова, М.М. (2019). Загрязнение атмосферы вредными веществами и мероприятия их сокращение. *Экология: вчера, сегодня, завтра*, 450-455.
5. Султанов, А.О. (2019). Информационная система водных ресурсов сельского хозяйства. проблемы научно-практической деятельности. перспективы внедрения, 197.
6. Obidovich S.A. The use of Modern Automated Information Systems as the Most Important Mechanism for the use of Water Resources in the Region //Test Engineering and Management. – 2020. – Т. 83. – С. 1897-1901.
7. Арипов Н.Ю. Транспортировка бытовых отходов с применением гидравлических систем //Science and Education. – 2020. – Т. 1. – №. 6.
8. Турсунов М.К. Новые инновационные методы повышения экономической эффективности при дефиците воды в регионе //Science and Education. – 2020. – Т. 1. – №. 4.
9. Тошматов Н.У., Мансурова Ш.П. Возможности использование сточных вод заводов по переработки плодовоощных продуктов для орошения сельскохозяйственных полей //Me' morchilik va qurilish muammolari. – 2019. – С. 44.
10. Sultonov A.O. Problems of optimal use of water resources for crop irrigation //Journal of Central Asian Social Studies. – 2020. – Т. 1. – №. 01. – С. 26-33.
11. Alibekova, N.N. (2020). Use of information systems in water use processes. *Science and Education*, 1 (3).

-
- 12. Saydullaev S. R. Decision-making system for the rational use of water resources //Journal of Central Asian Social Studies. – 2020. – Т. 1. – №. 01. – С. 56-65.
 - 13. Сайдуллаев С. Р. Применение информационных систем в эффективном использовании воды // Наука и образование. - 2020. - Т. 1. - №. 7.
 - 14. Такабоев, К. У., Мусаев, Ш. М., & Хожиматова, М. М. (2019). Загрязнение атмосферы вредными веществами и мероприятия их сокращение. Экология: вчера, сегодня, завтра, 450-455.
 - 15. Rashidov, J., & Kholbutaev, B. (2020, July). Water distribution on machine canals trace cascade of pumping stations. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 883, No. 1, p. 012066). IOP Publishing.
 - 16. Кутлимуродов У.М. Некоторые аспекты экологических проблем, связанные с автомобильными транспортами //European Scientific Conference. – 2020. – С. 50-52.
 - 17. У.Т.Зокиров, Э.С.Буриев “Сув таъминоти ва Оқова сувларни оқизиш ва тозалаш асослари” “Билим” нашриёти 2012 йил.
 - 18. Устемиров Ш.Р.У. Анализ систем оборотного водоснабжения и проблем качества воды промышленных предприятий //European science. – 2020. – №. 2-2 (51).
 - 19. Мусаев, Ш.М., & Саттаров, А. (2019). Умягчение состав воды с помощью реагентов. Me' mørchilik va qurilish muammolari, 23.
 - 20. Тошматов, Н.У., & Мансурова, Ш.П. (2019). Возможности использование сточных вод заводов по переработки плодовоощных продуктов для орошения сельскохозяйственных полей. Me' mørchilik va qurilish muammolari, 44.
 - 21. Мансурова Ш.П. Вопросы особенности проектирования воздушных завес //European science. – 2020. – №. 2-2 (51).